

ЎТМИШГА НАЗАР

МАХСУС СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

СПЕЦИАЛЬНЫЙ ВЫПУСК

LOOK TO THE PAST

SPECIAL ISSUE



Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Мургазаева Рахбар Хамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

"Ўтмишга назар" илмий журнали таҳририй маслаҳат кенгаши
редакционный совет научного журнала "Взгляд в прошлое"
Editorial board of the scientific journal Looking into the past

Кебадзе Мадонна

*Доктор исторических наук, Телавский
государственный университет, Грузия*

Бурдиашвили Майя

*Доктор исторических наук, Телавский
государственный университет, Грузия*

Кожакеева Ляззат Темировна

*тарих фанлари доктори, доцент,
Хотин-қизлар давлат педагогика университети,
Қозоғистон Республикаси*

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич

*тарих фанлари доктори, профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий университети*

Бобожонова Дилором Бобожонова

*тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон
жаҳон тиллари университети*

Зияева Доно Ҳамидовна

*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎЗР ФА Тарих институти*

Аширов Адҳам Азимбаевич

*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎЗР ФА Тарих институти*

Агзамова Гулчеҳра Азизовна

*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎЗР ФА Тарих институти*

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна

*тарих фанлари доктори, Тошкент
кимё - технология институти*

Бабаджанова Нодира Абдуллаевна

*тарих фанлари номзоди, Ўзбекистон
давлат жаҳон тиллари университети доценти*

Эргашева Юлдуз Алимовна

*Тарих фанлари доктори, профессор
Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти*

Теймураз Ахалмосулишвили

*профессор, Телавский государственный университет,
Грузия*

Халикова Раҳбар Эргашевна

*тарих фанлари доктори, профессор, Тошкент
давлат техника университети*

Ишанходжаева Замира Райимовна

*тарих фанлари доктори, профессор в.б., Ўзбекистон
Миллий Университети*

Кобзева Ольга Петровна

*тарих фанлари доктори, профессор в.б., Ўзбекистон
Миллий университети*

Одилов Аброр Анварович

*тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон
Миллий университети*

Ерметов Аваз Абдуллаевич

*тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон
Миллий университети*

Саипова Камола Давляталиевна

*тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон
Миллий университети*

Джоробекова Айнура Эшимбековна

*тарих фанлари номзоди, профессор, Ташқи ишлар
вазирлиги қошидаги Дипломатия академияси,
Қозоғистон Республикаси*

Толипов Файзулла Саидович

*Тошкент давлат техника университети доценти,
тарих фанлари номзоди*

Page Maker\Верстка\Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz

ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Phone: (+998-94) 404-0000

МУНДАРИЖА \ СОДЕРЖАНИЕ \ CONTENT

СЎЗ БОШИ	5
1.Кобзева О. П. ИПАК ЙЎЛИНИНГ ХИТОЙ ТАРИХШУНОСЛИГИДАГИ БАЪЗИ МАСАЛАЛАРИ.....	6
2.Кебадзе М., Лекидзе Т. XX ASARNING 30-YILLARIDA KAXETIDAGI REPRESSIYALAR ZEMO ALVANI VA KVEMO ALVANI QISHLOQLARI MISOLIDA.....	15
3.Холиқова Р.Э. БУХОРО ХОНЛИГИДАГИ РАБОТ ВА САРДОБАЛАР ҚУРИЛИШИ ТАРИХИДАН.....	19
4.Муҳитдинова Ф.А. СИЁСИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ: ТАРАҚҚИЁТ ПОЙДЕВОРИ.....	27
5.Ҳайдаров М.М. УЧ РЕСПУБЛИКА КОНСТИТУЦИЯЛАРИДА (ТУРКИСТОН АССР, БХСР, ХХСР) СОВЕТ БОШҚАРУВ ТИЗИМИНИНГ ҚОНУНИЙЛАШТИРИЛИШИ ВА МОҲИЯТИ.....	43
6.Абраров С.А. ҲОЗИРГИ ЗАМОННИНГ ГЛОБАЛ МУАММОЛАРИ ВА ЎЗБЕКИСТОН.....	51
7.Рахмонқулова З. XIХ- XX АСР БОШЛАРИДА ЎРТА ОСИЁ ХОНЛИКЛАРИ ВА УСМОНИЙЛАР ДАВЛАТИ ЎРТАСИДАГИ АЛОҚАЛАР ТАРИХИ ТАРИХШУНОСЛИГИ.....	59
8.Абдуллаев Ў.Ш. ЎЗБЕКИСТОНДА ТАЪЛИМ ТИЗИМИДАГИ ИСЛОҲОТЛАРДА ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТЛАРИНИНГ ЎРНИ.....	67
9.Абдурасулова Д.Т. МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ЖИЗЗАХ ШАҲАР САНОАТИ ТАРАҚҚИЁТИ ВА ИҚТИСОДИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ.....	72
10.Абдурахманова Ж.Н. ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИНИНГ ГРЕК ХАЛҚИ ҲАЁТИГА ТАЪСИРИ (ЎЗБЕКИСТОНГА КЎЧИРИЛГАН ГРЕКЛАР МИСОЛИДА).....	79
11.Азаматова Г.Б. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ БИЛАН МИГРАЦИЯ СОҲАСИДАГИ ҲАМКОРЛИГИ.....	85

МУНДАРИЖА \ СОДЕРЖАНИЕ \ CONTENT


- 12. Alimdjanov B.A., Jakparov J.I.**
"SART" ATAMASINING KELIB CHIQISHI HAQIDA V.V. BARTOL'D,
S.LAPIN ORASIDA MUNOZARA.....91
- 13. Амонова Ф.С.**
XIX АСР ОХИРИ ВА XX АСР БОШЛАРИДА БУХОРО АМИРЛИГИДА
ТАШКИЛ ТОПГАН РУС САНОАТ КОРХОНАЛАРИ ҲАҚИДА.....99
- 14. Ахмедов Т.О.**
"ЗАРАФШОН МУЗОФОТИНИ БОШҚАРИШ БЎЙИЧА МУВАҚҚАТ
ҚОИДАЛАР"НИНГ ТАРИХИЙ ТАДҚИҚОТЛАРДА
ЎРГАНИЛИШИГА ДОИР.....110
- 15. Аҳмедова Р.**
ЎЗБЕКИСТОНДА ДАСТЛАБКИ ШИФО МАСКАНЛАРИНИНГ
ВУЖУДГА КЕЛИШИ (ФАРФОНА ВОДИЙСИ МИСОЛИДА).....117
- 16. Бабаджанова Н.А.**
ЎЗБЕКИСТОН АҲОЛИСИ МИЛЛИЙ ТАРКИБИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР
(1946-1991 йиллар).....124
- 17. Бобожонов И.У.**
МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА МАҲАЛЛА ИНСТИТУТИНИНГ
ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИ ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ.....137
- 18. Бобожонов Ш.**
ЗИЁРАТ ТУРИЗМИДА САЙФИДДИН БОҲАРЗИЙ
ҚАДАМЖОСИНИНГ ЎРНИ.....145
- 19. Бабабеков А.Д.**
XX АСР БОШЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОН ТОҒ ВА ТОҒОЛДИ
ҲУДУДЛАРИ АҲОЛИСИ ЭТНОИҚТИСОДИЙ ҲАЁТИДА
САВДО-СОТИҚНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ
(САНГЗОР-ЗОМИН МИНТАҚАСИ МИСОЛИДА).....153
- 20. Базарова М. М.**
ЎРТА АСРЛАР ТУРОН ЗАМИН ОЛИМЛАРИНИНГ ЖАҲОН
ИЛМ-ФАНИГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ.....165
- 21. Bohodirov I.**
TURKISTON BOSHQARUV TIZIMIDAGI NOMUTANOSIBLIK
VA XALQ KOMISSARLARI SOVETIDAGI ICHKI ZIDDIYATLARNING
O'LKA HAYOTIGA TA'SIRI (1917-1924 YILLAR).....171
- 22. Бегамова Н. Х.**
МУҒУЛ ДАВЛАТИНИНГ ИЖТИМОЙ ТУЗИЛИШИ ВА ҲУДУДИ.....183

ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Бабабеков Акбар Давурбаевич,
Ўзбекистон Миллий университети
тарих факультети, археология кафедраси ўқитувчиси

XX АСР БОШЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОН ТОЁ ВА ТОЁОЛДИ ҲУДУДЛАРИ АҲОЛИСИ ЭТНОИҚТИСОДИЙ ҲАЁТИДА САВДО-СОТИҚНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ (САНГЗОР-ЗОМИН МИНТАҚАСИ МИСОЛИДА)

For citation: Bababekov Akbar Davurbaevich. THE ROLE AND IMPORTANCE OF TRADE IN THE ETHNO-ECONOMIC LIFE OF THE POPULATION OF THE MOUNTAINOUS AND FOOTHILL REGIONS OF UZBEKISTAN IN THE START 20TH CENTURY (ON THE EXAMPLE OF SANGZOR-ZAAMIN REGION). Look to the past. 2020, SI, pp. 153-164

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2020-SI-19>

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақола Ўзбекистон тоғ ва тоғолди минтақаларидан бири бўлган Сангзор-Зомин минтақаси, хусусан Жиззах, Хўжанд, Каттақўрғон, Самарқанд уездлари ҳудудида жойлашган бозорлар тавсифи, аҳолининг савдо-сотиқ фаолияти, бозор савдоси ва турлари, савдо маҳсулотлари, тадбиркорлик каби масалалари Республика Марказий Давлат архиви фондларидаги ҳужжатлар, дала этнографик тадқиқотлар ҳамда илмий адабиётлар асосида ёритиб беришга бағишланган.

Калит сўзлар: Сангзор-Зомин минтақаси, бозор, хўжалик, савдо, тадбиркорлик, Жиззах, Самарқанд, Хўжанд, савдогар, маҳсулот, этномаданий жараён, этноиқтисодиёт, этноиқтисодий алоқалар.

Бабабеков Акбар Давурбаевич,
преподаватель кафедры археологии
исторического факультета
Национального университета

РОЛЬ И ЗНАЧЕНИЕ ТОРГОВЛИ В ЭТНОЭКОНОМИЧЕСКОЙ

ЖИЗНИ НАСЕЛЕНИЯ ГОРНЫХ И ПРЕДГОРНЫХ РАЙОНОВ УЗБЕКИСТАНА В НАЧАЛО XX ВЕКА (В ПРИМЕРЕ САНГЗАРСКО-ЗААМИНСКОГО РЕГИОНА)

АННОТАЦИЯ

Данная статья, основанная на документах Центрального государственного архива Республики, этнографических полевых исследованиях и научной литературе, освещает вопросы предпринимательства, торговой деятельности населения, торговли на рынке и ее виды, товары для продажи, а также описание рынков, расположенных в одном из горных и предгорных районах Узбекистана, Сангзар-Зааминском регионе в частности, в Джизакском, Худжандском, Каттакурганском и Самаркандском уездах.

Ключевые слова: Санзар-Зааминской регион, рынок(базар), хозяйство, торговля, предпринимательство, Джизак, Самарканд, Хужанд, купец, товар, этнокультурные процессы, этноэкономика, этноэкономические связи.

Bababekov Akbar Davurbaevich,
Theacher the Department Archeology,
ofHistory faculty of the National University of Uzbekistan

THE ROLE AND IMPORTANCE OF TRADE IN THE ETHNO- ECONOMIC LIFE OF THE POPULATION OF THE MOUNTAINOUS AND FOOTHILL REGIONS OF UZBEKISTAN IN THE START 20TH CENTURY (ON THE EXAMPLE OF SANGZOR-ZAAMIN REGION)

ABSTRACT

This article, based on documents of the Central State Archive of the Republic, ethnographic field research and scientific literature, covers issues of entrepreneurship, commercial activities of the population, trade in the market and its types, goods for sale, as well as a description of markets located in one of the mountainous and foothill areas Uzbekistan, Sangzar-Zamin region in particular, in Jizzak, Khujand, Kattakurgan and Samarkand counties

Index Terms: Sanzar-Zaamin region, market (bazaar), household, trading, entrepreneurship, Djizzak, Samarkand, Khujand, merchant, product, ethno cultural processes, ethnoeconomics, ethnoeconomic ties.

Долзарблиги. Сўнгги йилларда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар ва ижтимоий ўзгаришларнинг самараси, биринчи навбатда, аҳолининг моддий аҳволи ва фарвонлигини, унинг ҳаёт даражаси ва сифатини оширишга қай даражада таъсир кўрсатаётгани билан ўлчанмоқда. Бу эса ўз навбатида Ўзбекистоннинг чекка тоғ ва тоғолди туманлари, шу жумладан этноиқтисодий алоқалар доирасидаги савдо-сотик муносабатларининг ривожланишида ўзига хос аҳамиятга эга бўлган микроиқтисодий зоналар ва "ошночилик институти" ҳамда уларнинг Сангзор-Зомин минтақасида кечган этномулоқотни жадаллашувидаги ўрнини этнологик аспектда илмий асосда ўрганишни илмий заруриятга айлантормоқда.

2. Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Мазкур илмий мақола тарихий-қийсий таҳлил, географик детерминизм, статистик-қийсий солиштириш шунингдек, фанлараро ёндашув, тавсифлаш ва қийслаш каби методларга асосланган.

3. Тадқиқот натижалари:

Маълумки, Ўзбекистон ҳудудида савдо-сотиқ алоқалари қадим даврлардан йўлга қўйилган бўлиб, маҳсулот айрибошлаш ва савдонинг аҳамияти этнослараро алоқалардаги катта бўлган. Ўтмишда Сангзор-Зомин минтақаси ҳудудидан Шарқ билан Ғарбни боғлаб турган қарийб етти минг километр узунликдаги "Буюк Ипак йўли" тармоқларининг ўтиши ушбу минтақа аҳолисининг хўжалик-савдо ҳаётида муҳим ўрин тутган. Ёзма манбаларнинг гувоҳлик беришича, сангзор - зоминликлар ҳам ушбу халқаро савдо йўлининг Жиззах-Ғаллаорол-Бахмал-Зомин-Ховост-Хўжанд ва Самарқанд-Жиззах-Тошкент йўналишлари орқали олиб бориладиган савдо-сотиқда фаол иштирок этганлар[1, 12].

Россия империяси босқинидан сўнг Туркистон ўлкасида бозор муносабатларининг ривожланиши ўз навбатида Сангзор-Зомин минтақасида ҳам ишлаб чиқариш кучлари ва муносабатлари тараққиётига маълум даражада таъсир ўтказди. Натижада шаҳар ва қишлоқларнинг жадал равишда ўзаро яқинлашиши, уларда савдо-сотиқнинг, ҳунармандчилик ва тадбиркорликнинг янада ривожланиши, ишлаб чиқариш жараёнларининг тезлашишига олиб келади[2, 14]. Ички ва ташқи савдонинг ўсиши улар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг товар хусусиятини ўсишига ва маҳаллий аҳоли этноиқтисодий ҳаётида янги даромад манбаларининг юксалишига олиб келади. Хусусан, бу даврда Зарафшон воҳасига Россиядан келтирилаётган моллар ичида фабрика матолари (асосан чит), темир, чўян ва улардан тайёрланган буюмлар ҳамда ҳар хил бўёқлар, қанд, чой каби озиқ-овқат маҳсулотлари айниқса харидоргир бўлган. Четга эса Зарафшон воҳасидан, асосан, Россия саноати учун муҳим хом ашё ҳисобланган пахта, пилла, чорвачилик маҳсулотлари ва маҳаллий ҳунармандлар томонидан ишлаб чиқарилган турли хилдаги буюмлар олиб чиқилган[3, 42]. Албатта, барча даврларда савдо-сотиқни амалга оширишда бозорларнинг аҳамияти жуда катта бўлган.

Шарқ ташқи бозорлари, шу жумладан Сангзор-Зомин минтақасидаги ички бозорлар ҳам халқнинг ақл-заковати ва меҳнати билан етиштирган, таёрланган маҳсулотини олди-сотти қилишда, айрибошлашда, кундалик турмуш учун зарур бўлган маҳсулотларни харид қилишда муҳим аҳамиятга эга бўлган. Шунингдек, бозор сўзининг эроний тиллардаги қадимий шакли "вазар", илк даврларда "вачар", "вацал", сўғдий матнларда "вацар" бўлган бўлиб, маъноси бозор, савдо қиладиган[4, 145] ҳамда молларнинг нархини белгилайдиган жой ҳам ҳисобланади[5, 56]. Бозор сўзи инглиз тилида Шарқ бозорига нисбатан қўлланилиб, таҳлилий ғоя, институт номи[6, 1], шу билан биргаликда кенг турдаги товарлар ва хизматлар таклиф этиладиган жой сифатида тушинилади[7, 104]. Иқтисодий антропологияда Шарқ бозори ва ундаги иқтисодий хулқнинг ижтимоий таҳлили анъанавий тадқиқот соҳаларидан бири ҳисобланади. Ушбу турдаги иқтисодни Ғарб тадқиқотчилари "бозор иқтисодиёти деб номлашади[6, 1].

Ўрганилаётган даврда бутун Зарафшон воҳаси, шу жумладан Сангзор-Зомин минтақасида яшаган аҳолининг ҳаётини савдо-сотиқ, ҳунармандчилик, тадбиркорликсиз тасаввур қилиш қийин, албатта. Зотан, ҳунармандчилик, савдо-сотиқ аҳоли этноиқтисодиётининг асосий тармоқларини ташкил этарди.

Тадқиқотчилар Марказий Осиё ҳудудида XIX аср охири - XX аср бошларида савдо-сотик уч хилда, яъни сайёр (кўчма) мол айирбошлашга асосланган савдо, вақти-вақти билан ташкил қилинадиган ярмарка савдоси ва ниҳоят бозорлар яъни, стационар савдо қилиш шаклини ажратиб кўрсатишади.

Элшунос олим У.Абдуллаевнинг қайд этишича, юқорида кўрсатиб ўтилган савдонинг ҳар бир шакли ушбу даврда мавжуд бўлган маълум бир хўжалик типига мувофиқ келган. Масалан, молларни сайёр ҳолда айирбошлаш савдоси кўпроқ кўчманчи хўжаликларга, ярмаркаларда савдо қилиш эса ярим ўтроқ хўжаликлар учун ва ниҳоят, шаҳар ва катта-катта аҳоли манзилгоҳларидаги доимий ишлаб турувчи стационар савдо билан машғул бўлиш асосан ўтроқ хўжаликларга мос эди[8, 55].

Одатда, бозорларнинг катта-кичиклиги, бойлиги, сони ва бошқа жиҳатлари мамлакатдаги сиёсий-иқтисодий ҳаётнинг қай даражада эканлигидан дарак бериб турган. Тадқиқ этилаётган ҳудуд, Сангзор-Зомин минтақасида 1868-1924 йилларда Жиззах, Хўжанд, Самарқанд уездлари таркибига кирган волостларидаги Янгиқўрғон, Ўсман, Жиззах, Зомин каби йирик бозорлар билан биргаликда маҳаллий аҳамиятга доир кичик бозорлар ҳам фаолият юритган. Асосий бозорлар катта-кичиклиги ва аҳамиятига кўра фарқланиб, маҳаллий савдогарлар асосан Жиззах, Хўжанд, Каттақўрғон, Самарқанд уездлари ҳудудида жойлашган 33 та йирик бозорларда[9, 57] савдо фаолиятини юритганлар[10, 105]. Элшунос олим У.Абдуллаевнинг қайд этишича, ушбу кичик бозорлар маҳаллий аҳолининг савдо-сотик эҳтиёжларини қондириш билан бирга йирик шаҳарлардаги хорижий молларнинг қишлоқ бозорларига тарқалишида ўзига хос "узатувчи" вазифасини бажарган[8, 75].

XIX аср иккинчи ярмида Сангзор-Зомин минтақаси аҳолиси савдо-сотик муносабатларида Зарафшон воҳасининг йирик шаҳар ва қишлоқларидаги бозорлар жумладан, Самарқанд, Каттақўрғон, Жиззах ва Хўжанд бозорлари катта аҳамиятга эга бўлган. Самарқанд бозори воҳадаги энг йирик олди-сотти маркази ҳисобланган бўлса[11, 124], пахта савдоси бўйича Каттақўрғон бозорига тенг келадигани йўқ эди. Шунингдек, йирик қишлоқ бозорлари ҳам аҳоли этноиқтисодий ҳаётида муҳим аҳамият касб этган. Оқдарё бўйидаги йирик бозорлар жумласига Даҳбет, Оқтепа қишлоғи бозорлари киради[12, 24] ва маҳаллий аҳамиятга молик бозорлар сирасига кирувчи минтақадаги Соғиш, Лоиш ва Қарақарали бозорларининг йиллик айланма маблағи энг йирик бўлиб, юқорида кўрсатиб ўтилган 4 бозорда жами 700 минг рубл, шундан 500 минг рубли айнан Янгиқўрғон бозори улушига тўғри келиши, унинг ҳудудда энг йирик бозор бўлганлигидан дарак беради[10, 141]. Бозорда 216 та савдо дўкони бўлиб, ҳар ҳафта чоршанба куни 230 тага яқин мануфактура, атторлик ва металл моллари, чой, шакар ва маҳаллий хунармандчилик маҳсулотлари билан савдо қилувчи савдогарлар Самарқанд шаҳри ва уездидан, Жиззах шаҳри ҳамда атрофдаги қўшни волостлардан ташриф буюрган[13, 59].

Атрофи дарахтлар билан чегараланган Янгиқўрғон бозори майдони 21 таноп бўлиб, унда 700 дан ортиқ савдо жойи бўлган. Бозор ҳудудида гуруч, пахта ва донли маҳсулотларни сотиш учун хом гиштдан қурилган айвон кўринишидаги савдо расталари, шунингдек кўримсиз ярим ертўла шаклидаги савдо шохобчалари кўплаб қайд этилган [10, 140]. Мазкур бозорда айниқса кузда савдо жуда жонланган, Самарқанд, Каттақўрғон шаҳарларидан пахта толаси ва дон учун харидорлар кўплаб ташриф буюрган[10, 141]. Шу вақтда аҳоли қўлида бир мунча сармоя

бўлиб, уни биринчи галдаги зарурий товарлар, асосан мануфактура маҳсулотлари ва пойабзал сотиб олишга сарфлашган.

Пахтачиликнинг ривожланиши билан Янгиқўрғон қишлоғида хорижий савдогарлар ва маҳаллий Фузаилов пахта тозалаш заводининг пахта савдоси ва унинг бозор товар айланмасидаги аҳамияти катта бўлганлиги адабиётлар ва архив маълумотларида ўз аксини топган [14, 8]. Бозорга 60 минг пудгача тозаланмаган пахта сотиш учун олиб келинган [15, 82]. Шу билан биргаликда уезд бўйича мазкур бозор пахта ёғи савдоси бўйича биринчи ўринда турган. Бундан кўриниб турибдики, Янгиқўрғон бозори Самарқанд, Жиззах уездларида етиштирилган пахтанинг асосий бозори бўлган. Шу билан биргаликда ушбу бозорда донли маҳсулотларнинг ҳам улуши юқори бўлган. Масалан, йил давомида волость аҳолисининг ер-мулксиз қатлами эҳтиёжи учун бозорда 80 мингдан 100 минг пудгача дон маҳсулотлари сотувга чиқарилган [10, 141]. Бундан ташқари, кекса ёшдаги ахборотчиларнинг маълумот беришича, ушбу бозорда қурилган мева, узум, чой, ширинликлар, сопол идишлар савдоси ҳам анчагина қизгин бўлган [16].

XX аср бошларида Жиззах уезди ҳудудида Янгиқўрғон, Сауруқ, Сангзор, Чашмаоб ва қисман Работ ҳамда Ўзбек волостларини қамраб олган Янгиқўрғон бозори энг йирик галла олди-сотти қилинадиган бозор саналган. Масалан, Янгиқўрғон бозоридан 2 версть узоқликда жойлашган Милютин (Фаллаорол) темир йўл станциясидан 1904-1905 йил галла мавсумида 512000 пуд, 1905-1906 йил мавсумида эса 640000 пуд, 1907-1908 йилда миллион пуддан ортиқроқ сотиб олинган галла Фарғона ва Бухорога жўнатилгани ҳақидаги станция бошлиғининг маълумоти [13, 60] фикримиз далилидир. Умуман олганда, 1900-1906 йилларда Тошкент-Оренбург темир йўлининг Жиззах уезидаги Куропаткин (Лалмикор), Милютин (Фаллаорол), Обручево (Даштобод) темир йўл бекатларининг қурилиб фойдаланишга топширилиши ички ва ташқи савдонинг, товар-пул айланмасини тезлаштиришга имкон берган. Ўша йиллари Янгиқўрғон, Жиззах деб номланган темир йўл бекатларининг ташкил топиши Жиззах, бутун Сангзор-Зомин аҳолисининг, бошқа давлатлар, жумладан, Россия, Европа мамлакатлари билан турли соҳаларда алоқаларини янада ўсишига олиб келди. Ўз навбатида, темир йўл қурилиши билан Европалик миллатларга мансуб аҳолининг Жиззахга кўчиб келишини жадаллаштирди, бу жараёнлар ўлкадан пахта, тери, жун, саноат хомашёси, озиқ-овқат маҳсулотларини ташиб кетишга ҳам хизмат қилди [17, 101].

XX аср бошларида Сангзор-Зомин минтақасидаги савдогарлар ҳудуддаги Янгиқўрғон ва Накишен каби асосий бозорлардан ташқари Бешқуруқ, Авлиё қишлоқ жамоалари ва Сангзор волостининг қишлоқлари аҳолисининг кундалик эҳтиёжлари учун хизмат қиладиган Тошлоқ бозорида ҳам асосий савдо ишларини олиб боришган [13, 60]. Яна бир аҳамиятли маълумотлардан бири минтақадаги барча катта кичик бозорларга йил давомида от, туя ва эшакларда юклар олиб борилган бўлиб, тош, тупроқ йўллар билан боғланган, фақатгина Милютин темир йўл станцияси ва Янгиқўрғон бозорини боғловчи тошли йўл мавжуд бўлган, холос [10, 60].

Шу билан биргаликда, улар Челақ волостидаги Айлибод, Хожа Мукур, Туятортар волостидаги Чўянтепа бозори ҳамда Жомбой, Панжикент ва Ургут, Каттақўрғон сингари йирик шаҳарлар бозорларида ҳам савдо ишларини олиб боришган [10, 105].

Қайд этиш лозимки, XX аср бошларида юқоридаги йирик бозорлар бутун Сангзор-Зомин минтақаси аҳолиси иқтисодий ҳаётида муҳим аҳамият касб этган

бўлсада, маҳаллий аҳамиятга доир кичик бозорлар аҳоли кундалик эҳтиёжини қондириш ҳамда йирик савдогарларга эҳтиёжидан ташқари етиштирган ортиқча маҳсулотларини сотиш учун "келишув жойи" вазифасини ўтайдиган жой сифатида муҳим аҳамиятга эга бўлган[18].

Бозорга мунтазам келувчи сотувчи, умуман бозорнинг муайян ўзгармас сотувчиларнинг аниқ сони бўлмаган, аксинча сотувчилар таркиби доимо ўзгариб турган. Бозор савдоси билан эса муайян сармояга эга бўлган шахслар шуғулланган[19, 5]. XX аср бошларида йирик бозорлар категориясига кирувчи бозорларда қишки вақтларда 250 нафар, донли экинлар ҳосили йиғимидан кейинги ёзги мавсумда 350 нафар, ҳатто 400 нафаргача савдогарлар савдо-сотиқ ишларини олиб боришган. Иккинчи даражали кичикроқ бозорлардаги савдогарлар сони қишда 100, ёзда эса 150 нафардан ортмаган. Шунингдек, кичик бозорларда (Бойғатепа, Сарича, Яккашайх бозори сингари) ги савдогарлар сони 50 нафардан ортмаган[10, 107].

Ҳафта кунининг бирида ўтказиладиган бозорда авваллари умуман савдо қилмаган сотувчини ҳам учратиш мумкин бўлган ҳамда бу кўчма савдога ўхшаб кетган. А.Гребенкиннинг қайд этишича, ҳафта давомида бир савдогар камида тўртта бозорда савдо қилишга улгура олган холос[20, 213].

Қишлоқ бозорлари, одатда, бир-биридан 5-20 км. узоқликда жойлашган бўлиб, уларнинг баъзиларида ҳар куни, қолган аксариятида ҳафтанинг маълум кунлари бозор бўлган. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, Марказий Осиёнинг бошқа минтақаларида бўлгани сингари Зарафшон воҳаси ҳудудидаги бозорлар ҳам турли номлар билан юритилган. Кўпроқ шаҳар ёки қишлоқ номи билан юритилган. Айни вақтда ҳафтанинг қайси кунда бозор бўлишига қараб ҳам бозорлар номланган. Чунончи, "Чоршанба бозор", "Пайшанба бозор", "Жума бозор" каби, шунингдек, бозор маълум бир этник жамоа гуж бўлиб жойлашса, шу этник номи билан ҳам бозор номланган. Масалан, "ўзбек бозор", "қирғиз бозор", "тожик бозор" ва ҳ.к.

Масалан, Сангзор-Зомин минтақасида истиқомат қилувчи савдогарлар ҳафтанинг маълум кунлари давомида кўшни ҳудудлардаги йирик Ургут бозори (сешанба ва шанба) ва Панжикент, Янгиқўрғон бозорлари (пайшанба), Жума ва Ўснат бозори (душанба), Чуқур бозор (сешанба), Боғатепа бозори (чоршанба), Накишен ва Янгиқўрғон бозорлари (чоршанба), Жомбой бозори (шанба)га ўз товарларини олиб бориб сотиш имкониятига эга бўлишган[10, 106].

Бозорларнинг топографик жиҳатдан жойлашиши диққатга сазовордир. Шаҳарнинг марказий қисмида асосан заргарлар, саррофлар, темирчилар, турли кийим-кечаклар билан савдо қилувчи ва бошқа кўпгина бозорлар жойлашган бўлса, қишлоқ хўжалиги ва чорва бозорлари шаҳарнинг четда ёки унниг ташқарисида жойлашган[4, 145]. Бозорлар одамлар гавжум бўладиган шаҳар ёки қишлоқнинг марказий қисмида катта кўчалар кесишган ерларда ва кўчалар бўйлаб вужудга келган. XIX аср Ўрта Зарафшон ҳудудидаги йирик бозорлар топографияси ҳақида қимматли маълумотларни тақдим қилган В.В.Радловнинг маълумотида кўра, бозор ўртасидаги савдо майдони хом гиштдан тикланган алоҳида қатор расталардан ташкил топган бўлиб, доимо оломон билан гавжум бўлган[12, 578]. Унда турли молларни сотишга мослаштирилган савдо растлари, савдогар ва ҳунармандларнинг дўконлари, карвонсаройлар, чойхона ва бошқа маиший бинолар ишлаб турган. Бозор қишлоқларда эрта тонгдан бошланиб, қуёш ботишига бир неча соат қолганда тугаган.

Сангзор-Зомин минтақаси бозорларида маҳаллий ҳунармандлар томонидан

ясалган кундалик эҳтиёж молларидан тортиб, хўжалик юритиш соҳалари учун хом ашё моллари, моҳир усталар томонидан нозик дид билан ишланган бадиий ҳунармандчилик буюмлари билан бир қаторда кўшни минтақалар, мамлакат ва дашт аҳолиси томонидан ишлаб чиқарилган моллар билан кенг савдо қилинган.

Кундалик турмушда энг кўп ишлатиладиган маҳсулотлардан бири бу туз бўлиб, унинг савдоси ҳам анча салмоқли бўлган. Рус врачлари К.М.Афрамовичнинг маълумоти беришича, туз маҳсулотининг бозори доимий қафолатланган даромадга асосланган бўлиб, Жиззах уезди ҳудудида жойлашган Тузкон қўлидан қазиб олинган туз эвазига қондирилган. Тузкон табиий тузга бой кўл бўлиб, унинг тузидан деярли бутун Жиззах, Хўжанд ва Перовский уездларининг бир қисми аҳолиси фойдаланган. Унча кўп бўлмаган миқдордаги туз Бухоро ва Нурота беклигига олиб кетилган. Тузкондан 2 хил қизил ва оқ туз нави қазиб олинган. Маҳаллий аҳоли Тузкондан олинадиган қизил тузни (Самарқанд тузига ўхшаш бўлгани учун) кимёвий таркиби ва сифат жиҳатидан юқори деб ҳисоблашган. Аммо Тузкондан қазиб олинадиган қизғиш ва оқ туз таркибига кўра бир хил бўлиб, фақатгина рангидагина фарқ қилган[21, 3-4].

Сангзор ва айниқса Хўжанд уезди бозорларида чарм билан савдо қилувчилар кўп бўлиб, улар чармни сариқ, қизил ва қора ранга бўяб сотишган. Эчки терисидан ишланган чармлар қиммат бўлганлиги учун бозорга камдан-кам тушган, уларни асосан аҳолининг ўзига тўқ ва бой қатлами харид эта олган холос. Маҳаллий ўрта ҳол ва нисбатан камбағал қисми сифати бирмунча паст, кўн теридан тикилган буюмларни харид қилишган. Чармдан ҳар хил халатлар, камзуллар, костюмлар тикилиб сотилган.

XX аср бошларида бозорда от ва эшаклар устига ортилган ўтинларни сотиб юрган кишиларни ҳам кўриш мумкин эди. Улар ўтинларни тоғли ва чекка қишлоқлардан келтириб, қиш мавсумида боғини 9-10 рублдан[22, 140] сотганлар.

Йирик бозорларнинг маълум қисмларида алоҳида моллар билан савдо қилинган. Яъни, ҳар бир бундай бозорларда ғалла бозори, гуруч бозори, пахта бозори, баққоллик моллари билан савдо қилинадиган бозор, кийим-бош (тўн, дўппи, пойабзал) бозорлари мавжуд бўлган. Кичик бозорларда асосан, кундалик эҳтиёж учун зарур бўлган озиқ-овқат, баққоллик моллари билан савдо қилинган. Қишлоқ бозорларининг алоҳида қисмида чорва моллари билан савдо қилинган. Мол бозорида мол сотувчилардан бозор ҳақи йиғувчи амалдор амин деб аталган[23].

Шу ўринда таъкидлаш жоизки баъзида чорва бозори сотилаётган ҳайвон турига қараб "от бозор", "қўй бозор", "мол бозор", "қуш бозори"га бўлинган. Бу бозорлар атрофида ўз навбатида чорва учун зарур бўлган пичан ва ем-хашак бозорлари бўлган. Қуш бозорида товук, айниқса бедана савдоси авжида бўлган. Оддий беданалар (Самарқанд бедана бозори) 1-2 копейк, сайроқи ва урушқоқлари эса 2-4 копейк[24, 146] гача сотилган. Урушқоқ беданаларни уларнинг кўзлари, оёқлар ва бошларига қараб ажратганлар.

XX аср ўрталарига қадар Сангзор-Зомин минтақасидаги йирик бозорларга базоз (араб. - газламафуруш) лар, яъни ип-газлама билан савдо қилувчи дўкондорлар турли газламларни келтириб сотиш билан бирга, уларни от-араваларга ортиб, узоқ тоғли қирғиз, ўзбек қишлоқларига олиб бориб сотганлар[25].

Жиззах воҳасидаги бозорларда маҳаллий аҳоли, айниқса баҳмал қирғизлари томонидан уй шароитида тайёрланган бир неча хилдаги жун ва ип-газлама маҳсулотлари маҳаллий ва ташқи бозорларда жуда харидоргир ҳисобланган. Хусусан, улар томонидан бугжом, хуржун, гилам, палос, кигиз, қоп ва арқон,

чакмон кабилар тўқилган ва бозорларга олиб чиқиб сотилган[26].

XX аср бошларида ички савдода юз берган тараққиёт туфайли майда савдо-сотиқ билан шуғулланувчилар сони мутассил ўсиб борган. Яъни, камтарона маблағга эга бўлган кишилар ҳам эркин тадбиркорлик билан шуғуллана бошлаганлар. Мустамлакачилик зулми остида бўлишига қарамасдан, фаол капиталистик жараёнлар, хусусан аҳоли иқтисодий ҳаётига бозор муносабатлари тобора чуқурроқ кириб кела бошлади.

Савдо-сотиқнинг тараққий этиши билан савдогарлар ўртасида ҳам табақаланиш бошланиб, улар орасида йирик сармоёга эга бўлган шахслар ажралиб турган. С.П.Мансыровнинг ҳисоби бўйича Самарқанд уездида бундай савдогарлар 1896 йилда 183 нафар, 1897 йилда 93 нафар ва 1898 йилда 232 нафарни ташкил этган. Уларнинг бешдан бир қисми эса молни бозорлардаги маҳаллий улгуржи савдогарлардан Самарқанд шаҳридагига нисбатан 10-15 фоиз кам чегирмага асосланган кредитга олишган. Кредит ҳажми ойлик айланма жамғарманинг 1-2,5 фоизига тенг бўлган. Ундан келадиган фойда эса 2-2,5 минг рублни ёки тадбиркорнинг йиллик ўртача даромадининг 12-25 фоизини ташкил қилган[10, 411].

Бу даврда бозор савдосида атторлар ўзига хос мавқега эга бўлиб, уларнинг ўртача савдо маблағи 600-900 рублдан иборат бўлиб, ҳар бири йиллик айланма маблағининг 20-25 фоизи миқдорида фойда олишган. Бошқа бир тоифадаги савдогарлар чакана тижорат билан шуғулланишган. Асосан маҳаллий газламаларни сотиш билан шуғулланувчи бундай савдогарлар йилига ўртача 400-500 рубл маблағ топишган бўлса, унинг 15 фоизини соф фойда ташкил қилган[27, 15].

Жиззах бозорида баққолларнинг ҳар бири 600-700 рубллик жамғармасидан 20 фоизгача фойда олишган[27, 15]. Савдогарларнинг сотув моллари орасида йил давомида матолар, чой, шакар, қандолат маҳсулотлари, шунингдек, ҳатто дори-дармонлар ҳам бўлган. Аралаш молларни оддий савдогарлар сотганлар. Улар минтақадаги савдогарларнинг аксарият қисмини ташкил этган. Н.Ханьковнинг ёзишича, "Самарқанд вилояти ички савдосининг муваффақиятларидан бири, бозорлар ўртасидаги алоқанинг кучлилиги бўлиб, савдогарлар қишлоқ билан туман бозорларида савдони қизитиб, харидорлар учун кўплаб енгилликлар яратганлар"[28, 162].

Шу ўринда, фойда ва доимий харидор, мижозлар сонини ошириш мақсадида бозор савдосида молни насияга бериш усули ҳам кенг қўлланилган. Асосан қассоблар, дўппи ва тўн билан савдо қилувчилар, қисман заргарлар орасида савдонинг бу усули нисбатан кенг тарқалган[8, 121].

Сангзор-Зомин минтақаси ва унга туташ ҳудудлар бозорларидаги нархлар вилоят марказидаги йирик бозорларга қараб белгиланган. А.Д. Гребенкин маълумотича, Самарқанд марказий бозоридаги нарх-наво чекка туманлар бозорларидаги маҳсулотларнинг нархларини белгилашда асос бўлган[9, 216]. Шунингдек, бозорлардаги нархларга қурғоқчилик, уруш, талончилик ва бошқа кўплаб турли омиллар ўз таъсирини ўтказган. Мисол учун, 1911 йилда об-ҳавонинг ноқулай келиши оқибатида Фарғона ва Хўжанд, Жиззах уездларида аҳоли истеъмоли учун ғалла етишмай қолган. Маҳаллий аҳоли эса маккажўхори илдизидан ун қилиб, ундан гўжа тайёрлаб жон сақлашга мажбур бўлган[29, 16].

Мирза Салимбекнинг гувоҳлик беришича, Биринчи жаҳон уруши бошлангандан сўнг Россиядан олиб келинадиган товарларнинг нархи кескин ошган. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг (буғдой, арпа, ун, гуруч, сабзавот, гўшт) нархи анча

кўтарилган. "Қимматчилик туфайли очарчилик бошланди, - дея ёзади тарихчи, - бозорларда бугдой йўқолиб, бир қоп сабзавотнинг нархи 25 рублга ошди, нон эса 20 тангага сотиларди.... қовунни 40 тангага харид қилиш илгари ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келмаган"[30, 226-227].

Бозорнинг касодлиги деҳқонларни оғир аҳволга солиб, қилинган сарф-харажатни қопламай хонавайрон қилган аграр танглик 1929-1932 йилларда юз берганлиги, оқибатда тоғли қишлоқлар аҳолиси қийин аҳволга тушиб қолишганлигини кекса ахборотчилар ҳануз эслашади[31].

Савдогарлар савдо маданиятини, унинг ўзига хос хусусиятларини аввало, ўз яқинларига, шогирдларига ўргатганлар. Савдо-сотиқ соҳасида ҳам кўп асрлик анъаналар давом эттирилди. Ҳалол ризқ топиш мақсадида узоқ ва машаққатли йўллارни босиб ўтадиган тижорат аҳли жамиятда мавжуд этноиқтисодий муносабатларнинг асосий ташкилотчисига айланди. Зотан, улар ўзга ўлкалар билан савдо-сотиқ қилиш орқали воҳада маълум турдаги маҳаллий молларнинг кўпайиб кетиб, қадрсизланиши олдини олиш баробарида, четдан камёб молларни ҳам олиб келишган. Шу тариқа, улар жамиятнинг иқтисодий мувозанатини таъминлашга хизмат қилишган. Сир эмас, бу касбнинг ҳам ўзига яраша машаққатли ва завқли томонлари бор эди. Бироқ, "бирни юз қилиш савдоси ва бўзни шойига айлантириш машаққати" савдогарнинг ғайратига-ғайрат кўшар эди. Омилкор ва ишнинг кўзини биладиган савдогарлар XX аср бошларига келиб юзага келган иқтисодий ўзгаришларга мослаша борганлар. Бу даврда Россиядан кириб келган рус савдо-саноат буржуазияси ва у билан ҳамкорлик қилган чет эл капитали воҳанинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётига катта таъсир кўрсатди. Аста-секин қарор топа бошлаган бозор муносабатлари ва у билан боғлиқ тушунчалар маҳаллий мулкдорлар, тадбиркор ва ишбилармонлар ҳамда зиёлилар қатлами онгига сингиб бормоқда эди.

XX аср охирига келиб ижтимоий мулкчиликка асосланган жамиятнинг инқирозга юз тутиши ҳамда Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритиши билан асрий хусусий мулкчилик анъаналари қайта тикланиб, савдо-сотиқ эркинлиги, хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб берилди. Ўзбекистонда бозор иқтисодига ўтишнинг оғир паллаларида кишиларнинг турмуш даражасининг пасайиб кетиши ва даромад манбаларининг камайиб кетишини олдини олишда, уларни ижтимоий ҳимоя қилишда савдо-сотиқнинг ўрни ниҳоятда катта бўлди. Жумладан, Ўзбекистонда бозор иқтисодиётининг ҳаётга татбиқ қилиниши анъанавий савдони янги замонавий услуб ва воситалар билан бойитиб, мамлакат, қолаверса, Сангзор-Зомин минтақаси ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривожига катта йўл очиб берилди[32, 106].

4. Хулосалар:

Шундай қилиб, XX аср бошларида тоғ ва тоғолди минтақалари аҳолисида бозор муносабатларининг энг оддий, оммабоп тушунчалари эса савдо ва тижорат билан боғлиқ эди. Чунки, азалдан давом этиб келаётган бозор ишларини кенгайтириш, савдо ва тижорат орқали даромад топиш, юртни обод ва турмушни фаровон қилиш оддий одамлар учун ҳар жиҳатдан қулай усул ҳисобланар эди:

- бозорлар нафақат шаҳарлардаги, балки унинг атрофидаги қишлоқлар аҳолиси иқтисодий ҳаётининг ривожланишига ҳам ижодий тurtки бўлган. Қишлоқларда етиштирилган ғалла, зиғир, нўхот, махсар, пахта ва чорвачилик маҳсулотлари ҳамда бошқа кўпгина маҳсулот турларига шаҳарларда талаб катта бўлган. Бу маҳсулотларнинг айримлари шаҳар ҳунармандлари учун хом ашё

ҳисобланган;

- бу эса кўплаб ҳунар турларининг, хусусан, қишлоқ эҳтиёжларини қондиришга ихтисослашган соҳаларнинг ривожланишига самарали таъсир кўрсатган. Шу тариқа шаҳар иқтисодиётининг етакчи соҳаси - ҳунармандчилик билан қишлоқлар ўртасида вужудга келган ўзаро алоқадорлик, бир томондан, қишлоқлардаги иқтисодий тараққиёт ва аҳоли этноиқтисодий ҳаётининг яхшиланишига, иккинчи томондан эса шаҳар хўжалиги, шу жумладан шаҳар бозорларининг ривожланишида асосий омил бўлган;

- Сангзор-Зомин минтақасидаги барча этник жамоалар XX аср давомида ўзаро ва қўшни халқлар билан қизгин савдо алоқаларини олиб борганлар. ўз навбатида, савдо муносабатлари этнослараро алоқаларда ҳар вақт муҳим бир восита бўлиб келган. Бозорлар эса нафақат мол айирбошлайдиган жой, айтилишида турли этник гуруҳлар ўзаро мулоқотда бўладиган жой ҳам ҳисобланган. Бундай мулоқотлар оқибатида этноснинг моддий ва маънавий маданиятида умумий жиҳатларнинг кўпайиб этноиқтисодий ва урбанизацион жараёнларда доимо муҳим мавқега ва ўринга эга бўлган.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Древний Замин (история, археология, нумизматика, этнография). -Т.: Изд-во "Фан", 1994. -С. 12. (Ancient Zamin (history, archeology, numismatics, ethnography). -Т.: Publishing house "Fan", 1994. -S. 12.)

2. Тухтабеков К.А. Чор Россиясининг Биринчи жаҳон уруши йилларида Туркистон ўлкасида ўтказган иқтисодий сиёсатининг мустамлакачилик моҳияти. 07.00.01. Ўзбекистон тарихи. Тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. -Т., 2011. -Б.14; Мусаев Н. XIX асрнинг II ярми- XX аср бошларида Туркистонда саноат ишлаб чиқаришининг шаклланиши. -Т., 2008. -Б.28. (Tukhtabekov K.A. The colonial nature of the economic policy of tsarist Russia during the First World War in Turkestan. 07.00.01. History of Uzbekistan. Abstract of dissertation for the degree of candidate of historical sciences. -Т., 2011. -P.14; Musaev N. Formation of industrial production in Turkestan in the second half of the XIX - early XX centuries. -Т., 2008. -P.28.)

3. Аширов А. Ўзбекистон ҳудудида кечган анъанавий этнослараро жараёнларда савдо-сотик муносабатлари (XIX аср охири - XX аср бошлари) // Ўзбекистон ҳудудида кечган этномаданий муносабатлар ва унинг давлатчиликнинг шаклланишидаги ўрни. Республика илмий анжумани материаллари. Хива, 2012. - Б. 42. (Ashirov A. Trade relations in traditional interethnic processes on the territory of Uzbekistan (late XIX - early XX centuries) // Ethno-cultural relations in Uzbekistan and their role in the formation of statehood. Materials of the republican scientific conference. Khiva, 2012. -P. 42.)

4. Аширов А. Шарқ бозорларининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида баъзи мулоҳазалар // Ўзбекистон урбанистик маданияти. Халқаро илмий конференция материаллари. -Т.: 4-5 декабрь, 2003. -Б.145. (Ashirov A. Some reflections on the features of the eastern markets // Urban culture of Uzbekistan. Materials of the international scientific conference. -Т.: December 4-5, 2003 -P.145.)

5. Ўзбекистон ҳудудида анъанавий этнослараро жараёнлар (XIX аср охири - XX аср бошлари). -Т., "Янги нашр", 2011. -Б.56. (Traditional interethnic processes in the territory of Uzbekistan (late XIX - early XX centuries). -Т., New Edition, 2011. -

Р. 56.)

6. Гирц К. Базарная экономика информация поиск в крестьянском маркетинге. // elibrary.ru (Girts K. Market economy information search in peasant marketing. // elibrary.ru)

7. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 2-жилд. -Т., 2001. -Б.104; <http://www.wdl.org/базар>.(The National Encyclopedia of Uzbekistan. Volume 2 -Т., 2001. -P.104; <http://www.wdl.org/bazar>).

8. Абдуллаев У. Фарғона водийсида этнослараро жараёнлар (XIX аср охири XX аср бошлари) -Т., 2004. -Б.55. (Abdullaev U. Farg'ona vodiysidagi millatlararo jarayonlar (XIX asr oxiri - XX asr boshlari).

9. Гребенкин А.Д. Таджики // Туркестанский сборник. -СПб., 1870. -Т. 57. -С.213.(Greibenkin A.D. Tajiks // Turkestan collection. -SPb., 1870. -Т. 57. -P.213.)

10. Мансырев С.П. Базарная торговля в Самаркандском уезде//Справочная книжка Самаркандской области. 1898, Выпуск VI, Самарканд, 1899. -С.105. (Mansirev S.P. Bazaar trade in Samarkand district // Reference book of the Samarkand region. 1898, Issue VI, Samarkand, 1899. -P.105.)

11. ЎзМА. И-1 фонд, 1-рўйхат, 12-иш, 124-варақ. (National Archives of Uzbekistan. Foundation I-1, List 1, Case 12, Page 124.)

12. Радлов В.В. Из Сибири: страницы дневника. -М.: Главная редакция Восточной литературы, 1989. (Radlov V.V. From Siberia: diary pages. -М.: The main edition of Oriental literature, 1989.)

13. Вирский Н.М. Очерк Яны-Курганской волости Джизакского уезда Самаркандской области // Справочная книжка Самаркандской области. Вып. X. -Самарканд. 1912. -С. 59. (Virsky N.M. Essay on the Yana-Kurgan volost of the Jizzakh district of the Samarkand region // Reference book of the Samarkand region. Vol. X. -Samarkand. 1912. -P. 59.)

14. ЎзМА. 1-фонд, 1-рўйхат, 913 - иш, 8-варақ. (National Archives of Uzbekistan. Foundation I-1, List 1, Case 913, Page 8.)

15. ЎзМА. Жиззах вилоят архиви. 2-фонд, 11-рўйхат, 82-варақ.15. (UzNA. Jizzakh regional archive. 2nd fund, list 11, page 82.)

16. Дала ёзувлари. 2016 йил. Фаллаорол тумани. Фаллаорол шаҳри. (Field Records. 2016. Gallaorol district. The city of Gallaaral.)

17. Ҳайдаров Ҳ, Усмонов Қ. Жиззах тарихи (Жиззах шаҳри ҳақида тарихий лавҳа ва хотиралар). -Тошкент : Ўқитувчи, 2003. -Б. 101. Khaidarov Kh., Usmanov K. History of Jizzakh (Historical pages and memories of the city of Jizzakh) - Tashkent: O'qituvchi, 2003. -P. 101.)

18. Дала ёзувлари. 2010 йил. Бахмал тумани. Чуввиллоқ қишлоғи. (Field Records. 2010. Bahmal district. The village of Chuvvilok.)

19. Туркестанские ведомости. 1871. -№5. (Turkestan statements. 1871.-№5.)

20. Гребенкин А.Д. Таджики // Туркестанский сборник. -СПб., 1870. -Т. 57. -С. 213. (Greibenkin A.D. Tajiks // Turkestan collection. -SPb., 1870. -Т. 57. -P.213.)

21. Афрамович К.М. Озеро Тузкан // Справочная книжка Самаркандской области на 1896 г. Под редакцией М.Вирского. Выпуск IV. Самарканд, "Типография Штабавойск Самаркандской области", 1896 г. -С. 3-4. (Aframovich K.M. Lake Tuzkan // Reference book of Samarkand region for 1896 Edited by M. Virsky. Issue IV. Samarkand, "Printing house of the Headquarters of the troops of the Samarkand region", 1896 -P. 3-4.)

22. Туркестанский сборник. -СПб., 1872-73. -Т. 67. -С. 140.(Turkestan collection.

-SPb., 1872-73. -Т. 67. -S. 140.)

23. Дала ёзувлари. 2018 йил. Зомин тумани. Аччи қишлоғи (Field Records. 2018 year. Zominsky district. Acchi village)

24. Иванов Д.Л. Русская земля Самарканд // Туркестанский сборник. -СПб., 1872-7. Т. 67. -С. 146. (Ivanov D.L. Russian land Samarkand // Turkestan collection. -SPb., 1872-7. Т. 67. -S. 146.)

25. Дала ёзувлари. 2018 йил. Бахмал тумани. Солин қишлоғи. (Field Records. 2018 year. Bahmal district. The village of Solin.)

26. Дала ёзувлари. 2018 йил. Бахмал тумани. Бахмал қишлоғи. (Field Records. 2018 year. Bahmal district. The village of Bakhmal.)

27. Обзор Самаркандской области за 1889 год. -Самарканд, 1891. 13-стр; Обзор Самаркандской области за 1898 год. -Самарканд, 1899. -С. 15.(Overview of the Samarkand region for 1889. -Samarkand, 1891. 13-page; Overview of the Samarkand region for 1898. -Samarkand, 1899. -P.15.)

28. Ханьков Н. Описание Бухарского ханства // Туркестанский сборник. -СПб., 1870.-Т.36.-С.162.(Khanykov N.Description of the BukharaKhanate // Turkestan collection. - SPb., 1870. -Т. 36. -P. 162.)

29. Обзор Сыр-Дарьинской области за 1912 год. - Ташкент, 1914. -С. 16. (Overview of the Syr-Darya region for 1912. - Tashkent, 1914. -P. 16.)

30. Мирза Салимбек. Тарих-и Салими (источник по истории Бухарского эмирата) / Пер. с персидского, введения и примеч. Н.К.Норкулова, -Ташкент. Akademiya, 2009. -С. 226-227. (Mirza Salimbek. Tarikh-i Salimi (source on the history of the Bukhara emirate) / Per. from Persian, introduction and note. N.K. Norkulova, Tashkent. Akademiya, 2009. -P. 226-227.)

31. Дала ёзувлари. 2018 йил.Бахмал тумани. Оққўрғон қишлоғи. (Field Records. 2018. Bahmal district. The village of Akkurgan.)

32. Тухлиев Н. Осиё ва бозор. -Т., 1992. - Б.32; Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. -Т., 2003. 2-жилд. -Б. 106. (N. Tukhliev Asia and the market. - Т., 1992. - В.32; National Encyclopedia of Uzbekistan. -Т., 2003. Volume 2. -P. 106.)

ЎТМИШГА НАЗАР

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

LOOK TO THE PAST

МАХСУС СОН

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000